М енинг Лайло исмли тутинган син-линг бор. Бу қиз жудаим акли, очик кўнгил, меҳнатсевар, меҳрибон, сочи узун, келишган қиз. Ёши 24 да. Бошида ўйга совчилар кела бошлади, лекин опаси борлиги учун рад жавобни берарди. Кейинчалик келмайди. Яқинда яна бир жойдан Б. исмли йигитдан совчи келганди. Кўншиси ўша йигитни онасига ёмонлаб юбориби. Ахир бу қиз кеч кимга ёмонлик қилмаса, одамларга ҳам ҳайронсан. Ҳозир оёғи билан эмас, тили билан юрадиганлар кўпайиб кетмокда.

Лайлони ахволини кўрсангиз эди. Жуда фамга ботган. "Газетада ёз, тентинг то-пилади", десам: "Э, қайси юз билан ёзаман", - деб жавоб беради. "Бўлмасам сочингни кесиб, замонавий кийиниб юр, ҳозирги йигитлар шунака қизларга ўланянати", - десам: "**Мени шу оддийлигим, табиий гўзаллигимни ёқтирадиган йигитлар ҳам бордир!**" - дедай. Лайло жуда ор-номусли, иффатли қиз. Билмадим, йигитларнинг кўзи қайда? Барча ўзбекона, шарқона гўзалик унда мухассас. Мен бу қиз баҳтири бўлишини жуда хоҳлайман. Бу қиз би-

лан танишмоқчи бўлган йигитлар, иложи бўлса ёши 24-28 гача ўқиган, акли, мард, уйланмаган, чиройли бўлишича. Фузор туманин яқинидан, ёки Тошкентдан бўлишиша ҳам майли.

Лайло синглам билан оила куришини хоҳлаган йигитлар манзилини таҳририятдан олишлари мумкин.

Мен сингламини мақтаётганим йўк, бу бор гап. Ахир халқда: "Минг бора эшигандан, бир бора кўрган маъкул", деган гап бор. Бунга ўзларингиз ишонч ҳосил килинг.

Янгаси МУҲАББАТ

М ен дўстим Ўлмасбек билан **レスパブликанизм-нинг турли вилояларида дўстларимиз** бўлишини хоҳлаймиз. 1986 йилда туғилганимиз. Айни пайтда туманимиздаги 1-сон лицей интернатининг 10-синфини тутадиган. Математика, инглиз, рус, она тили фанларига худа ҳам қизиқамиз. Биз билан танишиш истагида бўлган тенгдошларимизни дўстлашишга чорлаймиз.

Анварбек ДАВЛЕТОВ

Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Питнак қишлоғи, бр 2

К исқичбақа буржи остида туғилганим. Ёши 17 да. Табиатан қўнгилчан ва таъсиран кизман. Бироз шўхман. Ҳазил-мутойибани жуда ёқтираман. **Севиб-севилган, дўстлари кўп тенгдошларимга ҳавасим келади.** Хинд фильмларидагидек соф мұхаббат эгаси бўлишини истайман. Спортнинг югуриши турига қизиқаман. Эрталаб тони сахарлаб дугонам билан тоза ҳавода югуришга чиқамиз. Бўш вақтларимда тиббийта оид китоблар ўқиши. Мен Келажакда инсонларга фарзандлар тегадиган, ўз қасбнинг моҳир устаси бўлиб етишиш истагидаман.

Шоҳиста ОЛНАЗАРОВА

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Бобур кўчаси, З ўй

Г ышим 16 да. Табиатан жуда кувноқ кизман. Барча билан тез чиқишиб кетаман. **Мусиқа тинглашни ҳамда, китоб ўқиш жону-дилим.** Шеъриягта қизиқишим баландлиги боис ўзим ҳам қалам тебрияти тураман.

Дўстлик нозик николдор, Уни асрарн, эй дўстлар. У мисоли баҳордир, Чечагимиз, биз дўстлар.

Мавлуда САРИБОЕВА

Сирдарё вилояти, Мехнатбод тумани, Э. Қаххоров совхози, З- Бахор кўчаси



Белинг дўстлашадилан

М аиший касб-хунар коллежининг 2-боскич тала-басинам. Ёши 17 да. Ўзим оғир-босик кизман. Бўша вақтларимда **мусиқа тинглашни, пишириклар пиширишини яхши кўраман.** Атрофимда кўнглигимга якин дўстларим кўп, аммо мактуб орқали ҳам дўстлар оптиришишга чорлаймиз.

Хуршида ТУРСУНОВА

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри 2-саманий Байналмилнанчилар кўчаси, 43-уй, Инд. 702500

А зизим "Оила ва жамият"! Мен сенга ўз миннатдорчилигимни билдиримоқчиман. Сенинг саҳифаларинг орқали маколам сабаби этилга, кўпгина тенгдошларимдан мактублар олдим. Улар мен ҳақимда тўлиқ маълумот сўрашган. Мен 1980 йилнинг 7-июнида жавоз буржи остида туғилганим. Оилада тўнгич фарзандман. 2002 йил 1-Тошкент Педагогика билим юртини тутадиган. Ҳозирда 46-сон болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишляшигандар. Қасбим ўзимга ёқади. Болаларни яхши кўраман. Ўзим шоиртабиат, камгар, ҳалга берилувчанман. Кўнглим бўш, йилплокиман. Ёлон гапирийман ва алдаган инсононларни умуман кечирмайман. **Табиат гўзаликлираридан завж олишни яхши кўраман.** Қизил атиргул мен учун ҳамиша мұхаббат тимсоли. Ҳеч ким мэндан хафа бўлмаса дейман. Гоҳида арзимаган нарасдан кайфийтим тушиб кетади. Шунда яшашнинг қизиги йўқдан тулади. Яна ўзимни кўлга оламан. Ҳаётимдан бирор яхши из қолдиришга урина-ман. Шиорим фақат олдинга инсанга мактуби яшаш.

Инобат ЎРОЗМЕТОВА

Коракалпогистон Республикаси,

Амударё тумани, Киличбой ж./х.

Юқори қишлоқ маҳалласи

Е шим 25 да. Тикувчиман. Аёлларга хос бўлган барча юмушларни эплай оламан. Фақат эштишим ва гапиришимда нуксоним борлиги учун шу вақтга турмуш курганим йўқ. **Совчилар келгали билан баҳтим очилмаяпти...** ўзимга мос инсон билан танишиш ниятидаман. Менинг тақдирим билан қизиқан инсонлар кўйдаги мансизга мурожат этишин:

Тошкент шаҳри

МАЛИКА

Тошкент вилояти

Е шим 20да. Мактабни аъло баҳолар билан битириб, педагогика билим юртига ўқишига кирганим. Айни кунларда мактабда ишлайман. Ҳозир бошланғич синф ўқитувчисиман. Оиласда ёлғиз фарзандман. Оғир, вазимин, камтар кизман. Ёлғон гапирилмайман. Ўзим қишлоқда яшасам ҳам, лекин ҳеч ким мени қишлоқлиқ қизига ўҳшатмайди. **Орзум Тошкентга турмушга чикиш.**

Газетанинг 10-сонидаги чиқкан "Қизларнинг чориёй, одобу, яхши хули" номли мақола муаллифи Содик ака билан танишмокчи эдим. Манзилим таҳририятда.

ИРОДА

Е шим 37 да. Ота-онам билан турмуш. **Турмушга чикманин, сабаби ногиронман.** Аммо ҳар ишда чакрон, саранжом-саришта, касб-хунарли кизман. Иккичи ёки биринчи гурӯҳ ногирон бўлган яхшига турмушга чикмочиман. Қайси вилоядан бўлишининг аҳамияти йўқ.

Юлдуз АЗИМОВА

Тошкент - 700000, а/к 356



Е шим 48да. Нуғузли бир корхонада ишлайман. Мана 6 йил бўлди, хиёнат түфайли оиласи билан ажрашганин. Суд залида фарзандларим, ҳали жуда ёш гўдак бўлишига қарамай: "Дадаконимиз билан қоламиз", деб турбиф олишиди. Үшанда кенжя ўғим.

2 ёшда, қизим 4 ёшда, катта ўғим эса 6 ёшда эди. Хотиним ҳам суд залининг ўзидаёт бо-лаларидан воз кечди. Мана 6 йилдирки вояга етмаган фарзандларим таъминоти учун энг кам иш ҳақи баробарида алимент тўламокда. Шу йиллар мобайнида бир марта болаларим кўрай деб келмади.

Болаларимга ҳамма шароитни яратиб бераятман, ўқитмай катта килишига ҳаракат килаяпман. Фа-

мъалумотим олий. Яхшигина пазандаман. Озода, саранжом-саришталини яхши кўраман. Инсонлар билан тез дўстлашиб кета оламан, шунинг учун ҳам меҳмондўстликни қадрлайман. Ёши 30 гача бўлган, касб-хунарли, маълумотли, зарарли одатлардан ҳоли, камтар, тошкентлик ёки Тошкент вилоятидаги қадрлайман. Манзилим таҳририятда.

МАДИНА

Тошкент

катина она меҳри этишмайди, холос. Оллоҳдан фарзандларимидага ўз онасидан ҳам меҳрибон, полизса, мўмина, муслима ОНА кераклигини сўрайман.

Кайси вилоядан бўлишидан қатъий назар, фарзандларимидан оналик меҳрини аямайдиган ва менга вафодор ёр бўлгувчи аёл бўлса танишар эдик.

Гулом РАҲИМОВ

Андижон шаҳар, Мажхурий кўча 55-уй, Инд. 710008

Х аётинг кўп қийинчиликла-рини кўрган йигитман. Ёши 31 да бўлишига қарамай, ҳали уйланмаганим. Лекин умр оқар дарё каби бир пасда ўтиб кетар экан. Рассомман. **Тоғлар, белоён далалярни жуда қадрлайман.** Агар ҳаётни тушунадиган ажойиб бир қиз бўлса танишар эдим.

Илҳом ҲАЙИТБОЕВ

Урганч шаҳар,

Феруз кўчаси 190-уй

Ч

ила ва жамият" газетаси ташаббуси билан жуда кўп дўстлар ортиридан. Тошкентлик Абдузоҳид исмли била билан телефон орқали танишган эдим. **Негадир у кейинги пайтларда кўнғирок кимлар кўйди.** Мактуб ёзай десам аниқ манзилини билмайман. Сизлардан илтимос, дўстимни топишида менга ёрдам беринглар.

Абдузоҳид, агар менинг мактубимни ўқиган бўлсангиз илтимос, ўзингиз ҳақда хабар беринг. Кўнғирогингизни интизорлик билан кутиб коламан.

Хосият ИСМОИЛОВА

Сирдарё вилояти,

Гулистан шаҳар, Наврӯз маҳалласи,

Фадеева кўчаси, 79 "Б" уй

М

ен ҳазилкаш, табиатан шўх-шаддот, дўстлашибарим билан дилдан сухбат қилишни ёқтирадиган кизман. Замонавий қўшиклар тинглаш, сайдар килиш жону-дилим. Спортнинг теннис тури билан шугулланни турман. Умуман олганда бўш вактимни бекорга сарфламайман. **Шиорим ҳамиша олға интилиш.** Орозум етук сартарош бўлиш. Мен билан сирдор, маслаҳатдош, кам дўст бўлиши ниятида тенгдошларим мактубларини кутаман.

Хусникамола МАТНАЗАРОВА

Хоразм вилояти,

Урганч шаҳар, Бобур кўчаси, 25 уй

М

ен саккизинчи синфда ўйийман. Рақс тушишга, шириниллар пиширишга қизиқаман. Суюкли газетам "Оила ва жамият" орқали кўп оқиқа қизлар билан танишмокчи. Мен билан дўстлашибарик чўбўлган тенгдошларимнинг мактубларини кутаман.

Дилдор ИБРАГИМОВА

Хоразм вилояти, Урганч шаҳар,

Р. Махмуд 7, 2 проезд

Саҳифани Т. НОРИМОВ ва
Н. РАҲМОНОВалар тайёрлади

Мен 1974 йил туғылғанман. Мактабни битиришим билан, ота-онам хохиши билан тұрмушға чиққанман. Тақдир экан, бир ширин ўғылчам билан ахралишга мажбур бўлдим. Мен онамнинг келган вақт ўғлим 2 ёшли эди. У 7 ёшга тұлғанда узок кариндошимиздан сочи келди. Йигитни кўрдим, синадим, у хаммага маъкуб бўлди. Хуллас, унга тұрмушға чиқдим. Бу вақт ичидаги биринчий зирм 3 марта уйланди. Биз ҳам жуда баҳтия яшай бошладик. Эримнинг ота-онаси шундай меҳрибон эдиларки, асти кўяверасиз. Мендан баҳтия инсон йўқдай эди, ўғлимга яхши муомала килишарди. Бу орада мен ҳам ишга кирдим. Барбири бирорнинг боласи, бирорнинг боласи экан. Мен ишга кетган вақтда ўша меҳрибон кайнаном мен келгунча ўғлимга хеч нарса бермас экан. Мен ишдан келгандан кейин ўғлим менга йиграб: "Она, кетаплик бу ердан. Менинг "етимча" дейишади, овкат ҳам беришмайди, менинг ўзингиз билан ишга олиб кетинг", дерди. Ўғлимни ба ер ёкмади. Шунинг учун шундай дәйёттандир деб ўйлардим. Ишонмасдим. Бир куни ишга кетдим, ярим йўлга чиқмай ёмғир ёғди, сояғнимни олиш учун кайтиб ўйга кирдим. Менинг тағдимини кўргаман кайнаном ўғлимига: "Мана шу ўтқир болта билан бошингни узб ташлайман етимча", деди. Кулокларимга ишонмасдим. Кайнотам менинг кўриб киазарип кетди. Индамай чиқиб кетдим. Эртаси кундан бошлаб ўғлимини онамларнига жўнашиб ибордим. Иккинчи турмушим ҳам бузилмасин, дедим. Орадан 2 йил ўтди. Мен ҳомиладор бўлдим у мекнат таътилига чиқдим. Эрим ҳам бу вақт ичидаги ишдан бўшлаб ўйда ўтириб олди. Кеч келадиган одат чиқарди. Баъзан 2 кунда бир келадиган бўлди. Онасига айтсан: "Юргандир-да, дўстлари билан", деди. Бир куни эрим бир

йигит билан кириб келди. Менинг дамлаб келиш баҳонасида эшикка чиқарип юборди. Ошхонадан келаётсам буларнинг пичирлашиб гаплашаштандарни эшишиб қолдим. Ўйга кирганимда йигит кетишига чоғланаштанди. Эрим унни кузатиб, уйга қайтиб кирди-да, болта, омбур олиб чиқиб кетди. Мен ундан шубҳалана бошладим. Югурти орқасидан чиқиб: "Каерга кетяпсиз?", деб сўрасам, "Бирорнинг кўраси бузилиб қолибди, шуну тузатишмоқчиман, тезда келаман", деди. "Онахон, ўғлининг шундай деди, ундан сўранг-чи, ёнидаги йигит ким, каерга боришаётган экан?", дедим. Кайнотам индамагач, уларни кўй ўғирлашга бормоқчи эканлигини эшишиб қолганинги айтдим. Кайнаном менинг шундай ўришиб ташладики, асти кўяверасиз. "Ўғлининг сен келиб ўғрига чиқардинг, ёмон отлиқ кимлопмасан", деб ҳакоратлай бошлади. Менинг кучим иккиси кўзимга етди.

нам менинг, "Шумоёқ, йўқол, гули кетди, тикани керакмас", - деб, росса бакир-чакир килди. Ҳаммасига чиқадим. Қайнингиллариминга кўнглимини кўтаришади. Орадан олти ой ўтганда, ҳаёт ме-

ялинниб айтган гаплари ҳали ёдимдан чиқмайди. Мен ваъдамга вафо килиб, уни бир ярим йил кутдим. Бир ярим йил ичидаги 3 марта уни кўргани бордим. Шу вақт ичидаги мен не кунларни

эдим. "Каерда здингиз шу пайтлача" десам: "Дўстларим билан бирга эдим", - деди. Оғир бўлдим, унга ишондим. Бир куни буғдор ўриш учун онамларнига ҳашарга бордим. Ор-

ОИЛАНИ САҚЛАШ УЧУН



кўрмадим. Ҳаммасига чиқадим. Лекин эримнинг хиёнатига чида олмадим... У бир ярим йилда чиқиб келди. Биз яна яхши яшай бошладик. Эримнинг ўзим ишлайдиган корхонага жойлаштиридим. Мендан баҳтия инсон йўқ эди. Яна ҳомиладор бўлдим, бу сафар ўғил кўрдик. Эрим шундай хурсанд бўлдики, асти кўяверасиз. Ўғлимин ўн ойлик бўлганида, эрим яна эски ҳунарини бошлади. Энди мен ҳам бўш келмадим. Бир куни "Онахон, буғун ўғлининг кеч соат 2 ларда қайтиди", десам, "Сенга нима, сендан чиройлисини топгандир-да", - деди. У

ер-бу ердан "Эрингиз фошиахонага боради", деган гапларни эшидтим. Эримга ба ѝақда айтсан: "Ким нима деса иношаверасанни? Менинг аввал ўзинг кўр, кўлинг билан тут, кейин гапир", - дерди. Бир куни укаси: "Акам бир бузук аёлнинг кириб кетди, ўз кўзим билан кўрдим", - деди. Онасига айтсан "Орқасидан борма, эр тергашни сенга ким ўргатди?", деди. Мен бу гапни эшишиб йиглаб юбордим. Кечки соат 10 ларда эрим ўйга келди, бу вақтда мен ётоқда ўғлимини ўхлатиб ўтирган

камдан эрим келиши керак эди. Лекин у келмади. Шу куни мен онамларнига қолдим. Кечаси билан ухлай олмадим. Юрагим бир нимани сезгандай: "Үйнинг қайт!", - дерди. Мен тезда ўғлимини олиб ўйга караబ жўнадим. Эрталаб соат 8 да ўйга кириб бордим. Не кўз билан кўрайки, менинг тўшагимда бир аёл эрим билан бирга ётарди.

Тилим лол бўлиб қолди, чунки мен эримдан буни кутмаган эдим. Бу гапдан кайномамни хабардор қилдим. Янглишган эканман, кайномамни ҳамма гапдан хабардор экан. Мен доим онамларнига кетган вақтим эрим у аёлни ўйга олиб келар экан. Шунинг учун ба улрага янгилик эмас экан. Эримнинг ошкорга хиёнатини кечира олмадим. Унга: "Кўр бўласан, ҳали фарзандга зор бўл", дедим-да, онамларнига кетдим. Кейин эшишсан ўша аёлнинг ўйига кўчиб кетиди. У аёл яшайдиган ётқознада "тунги капалаклар" яшайди. Аёл эримдан 4 ёш катта экан. Хозирда мен ота-онам олдидаман. Яхши одамлар туфайли ишга жойлашдим. Иш билан ўзимни овутаман. Катта ўғлим 4-синфда ўқиди. Кичиги 3 ёш, боғчага боради. Хозир эрим ярашиш учун одам юборяпти. Мен кўнмаяпман.

Мен тўри қиласамни? Қандай қиласам, нима қиласам тўғри иш қилган бўламан. Менга маслаҳат беринг.

Ж.

Фил изхори

Мен сени жуда-жуда ёмон кўраман", - деб айтаман. Ко-ронгуда колган ўткинцидиз сизларнинг хонадонингиздаги баҳту фароғатни бир четдан турб томошни килиб шу билан ўзимни, кўнглимини овутаман. Сингилжон! Ағуски, сиз кутилмаган баҳтингизга тош отяпсиз. Ўндан кўлманг. Баҳтинг кадрими уни йўқотгандан сўраш керак. Сабр килиб тонг отишни кутинг. Эрим сизга кўнгли ҳам кўяр бир куни. Ахир туннинг ортидан тонг келади. Оппон тонг турганда ѡч ким тун қаърига ўзини отмайди. Мен тун бўлсам, сиз оппон тонгсиз синглим. Очиғи сизга ҳавасим келалти, ҳасадим эмас. Сиз ѡч кимнинг гапига кирманг. Бир бечора, бу дунёда зурриёди ҳам, оиласи йўқ баҳтия инсон ҳақида турли ҳалларга борманг.

Эримдан эса, агар мени заррача хурмат килса, сизни хафа килмаслигини ва сизга меҳр қўйишни ўтишиб сўрайман. Ўлайманки, у менинг бу сўнгиги илтикоимни албатта бажаради. Илоё, оилангиз багрига нурдек сингиб кетинг, сингилжон. Мен эса сиз яшайдиган хонадонда ўтган баҳтия кунларимни дунёдан узиб олдим. Бир эсадлик килиб тумордек бўйнинг тақиб олдим. Энди у хотиралар сизга ҳалқати бермайди. Сизни қўйнамайди. Мухаббат саройини тарқ этарканман сизларга яна бир бор баҳтияни тиради...

ХИЖРОНА

Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани

КУП УРИНДИМ

Орадан 3 кун ўтиб, тонг пайти эшик тақилади. "Жиноят қидиривиданнисиз, ўғлининг ўғирлик килган, далилимиз бор", деб келган ичишлар ходимларни, эримни олиб кетишиди. Бир ҳафта ўтгандан кейин кизчалик бўлдим. Қувонч ва гам бир кунда келди. Кизчамиз чиллаздан чиқкан куни, эримни суд килишиб, 5 ярим йил озодидикдан маҳрум қилишибди. Қўзларимдан қонлар оқди. Суд қиңишашиб уни олиб кетишидан кейин, қайнан-

нинг қайтумга қайғу, ғамимга ғам кўшиб овунчогим-қизимни Олложим олиб кетди... Дардим дунёларга симай кетди. Яна ўз ишигим қайтдим. Бу вақт ичидаги эримдан унинг орқасидан боришини эшишиб қолдим. Ўйиги ўрган машиими йигиб Тошкентга эрим ётган камоқхонани топиб бордим. Ўшандай унинг гапимга кимай қилган иши учун кечирим сўраб, йиглаб: "Кетма, мен сени ўғлинимча севаман. Мени кут", - деб

дан ойлар ўтди. Мен ота-онам уйида турли изтироблар, соғинчлар билан вактин ўтказдидим. Эримга фарзанд тирадим. Бир куни эрим яна мени сўроклаб келди. Бу гал у баҳтиёр эди. Кизчалик бўлишибди... Қўзларимдаги ўшм билан уни табриклидам.

- Менинг фарзандлик бўлишибни ҳаммадан ҳам сен жуда истагандинг. Агар рози бўлсанг, унга сенинг исмимни кўяман, - деди у. Мен бундан

паркан. Ваҳоланки, у ҳам ёши 30 га чиққанда оила қурганди. Мен хотини кейинчалик кўни-кеб кетди, - деб ўйлардим. Ўзимни унга маслаҳат ҳам бермокчи бўлдим. Лекин бу менга жам осон эмасди.

- Ахир эрим билан олти йил севишиб юргандик. Бир-биримизни еру-кўка ишонмай 17 йил яшагандиги... У бошкага уйланниб фарзанд кўрди. Аслида энди шу хотинига, боласига боғланниб мени унтишига ишонгандим.

МУҲАББАТ БОҒИ АДАМГАН

курсанд бўлсам ҳам, унинг хотинига бу оғир ботишини ўйлаб кўнгладим.

- Азизим, бу кунга келиб сизда Отабекнинг алами киёғасию, менда Кумушойнинг армонли қалби мужассам. Келинг, кизчанингизнинг исмими "Кумушой", - деб атабайлик, - дедим. Эримга бу ёқди. Эшишсан чиндан ҳам қизчани шу ном билан атабилар. Орадан йил ўтди. Кумушой бир ёшга тўлди.

Эрим фарзанд кўриб ушалмаган армонига ёришган бўлса ҳам, уйи нотинч экан. Хотини унни мендан рашик қилиб, худонинг берганди. Келинг, ҳар уч кунда бир кўлига тугунини, бир кўлига Кумушойни олиб аразлаб кетаве-

ларни айтишини истардим. Чунки бу гапларни ўзига айтсан, балки у кулоқ солмас.

«Сингилжоним! Мендан асло ҳавоти олманд. Эримга уйланниши кераклигини биринчи бўлиб айтиб, ўзим ўйдан чиқиб кеттаним. Баҳтингиз бор экан, эримдек тишло инсонга учрабариз. У яхши одам. Айби бефарзандлигига эди. Фарзандни энди еттанида мен сизларнинг ўйингизни бузмайман. Кумушой отаноли, баҳтия кўнига тўксиси Фарзанд кўлиб улгайсин. Яна кўп фарзанд килиб, уларнинг роҳатини кўринглар. Мен эримни жонимдан ортиқ севганинг билан кайтиб уни демайман. Кўзимдаги ўшим, қалбимдаги оҳим мени қақшатиб турса-да, уни кўрганди: "Йўқол, олдимга келмагин.

Оила ва жамият

АЗИЗ КИЗ-ЖУВОНЛАР!

Гўзал бўлиши, узок йиллар ёшник жозибасини саклашни истасангиз ўзингиз учун ўзингиз вақт ажратиб турли шифобахаш нэъматлардан малҳамлар тайёрланг. Қош, кўз, киприк, юз, кўл, бўйин териси, соч, қомат уйғулиги рисоладагидек бўлишига эриши учун озгина ҳафса қиласангиз — нафақат қайфиятнинг кўтирилади, балки яқинларнинг дилига ҳам нур бағишилайдиз. Ёзинг ушбу дамида танга, киёфага малҳам ва жозиба бағишилоччи неъматлардан ўз ўрнида фойдаланиб қолинг...

ТЕРИНИ ОЗИКЛАНТИРАДИ, КЎРК БАҒИШЛАЙДИ

Ёз кунлари кўпчиликнинг тана териси куруклишиб, ўз кўркини йўқотади. Терини асл ҳолига келтириш учун табиий сутдан фойдаланиб кўйдагича ванна тайёрлаш мумкин:

Ваннани иссиқ (37°C - 38°C) сувга тўлдириб, унга 2-3 литр сут солинг ва шу сутли ваннада 15 дақика ётинг. Бундай ванна аввало кон айланшини яхшилади, терини юмшатади, кўркамлик бағишилайди. Вакти-вакти билан яна шундай ванна қабул қиласангиз танангиз роҳат килади ва гўзаллигинизга гўзалик кўшилади.

МОЙЧЕЧАК ДАМЛАМАСИ ФОЙДАЛИ



Мойчечакдан ҳар хил шамоллашларда даво сифатида шунингдек, кўз ва юз терисини яхшилашда ҳам фойдаланиши мумкин. Кўзлардаги шамоллашни даволаш учун иккича уч дона мойчечак гулини олиб устидан кайноқ сув солиб кўясиз. Илик ҳолатга келгандан сўнг кўзлар ювилади. Ёки 2 литр қайноқ сувга бир ҳовч мойчечакни солиб, араплаштирасиз сўнгра ундан чиқаётган буғга 10 дақика давомида ўзиңгизни тутиб турасиз.

Бу муолажа нафақат кўзлар учун балки юз териси учун ҳам жуда фойдали. Кўзлардаги ҷарчоқ ва шамоллашни олади, унинг таркибидаги кислоталар юз терисини тозалайди, юмшатади ва натижада юз терисининг фаолияти яхшиланади.

САРИМСОҚ ПИЁЗ ҲУСНБУЗАР КУШАНДАСИ



Қадимдан Хитойда тананинг тилинган, кесилган жойларини ёки яраларни даволашда саримсоқ пиёздан фойдаланишган. Чунки саримсоқ пиёздан танани микроблардан муҳофаза этиш ҳусусияти кучли. Саримсоқ пиёздан ба-лагат ёшига етган йигит-қизларнинг ҳуснбузларларини йўқотишда ҳам фойдалансан бўлади. Бунинг учун ҳуснбузар чиқа бошлиши биланонк унинг устига янги саримсоқ пиёзнинг сувини суртиб кўйиш керак. Саримсоқ пиёз сувни суртилган ҳуснбузлар тезда куриб йўқолади.

ТУХУМ САРИФИ — СОЧГА ЖИЛО

Тухумнинг сарифи таркибида лецитин, моддаси бўлиб, у соч рангини, жилолантиради. Бундан ташкари соч тараши осонлаштиради. Никоб кўйидагина тайёрланади: Идишга 2 дона тухумнинг сарифи солиниб устидан 50 мл. пиво солинади. Арапашма сочларга суртилди ва полизтилен калплек кийиб, рўмол билан ўраб кўйилади. 30 дақиқадан сўнг илик сувда соchlар чайилади. Тухумнинг сарифини ахтараётганда унга оки арапашмасин. Акс холда тайёрлаган никобнинг таркиби бузилиши ва керакли натижага эришолмаслигинг мумкин.

БОДРИНГ ТЕРИНИ ТОЗАЛАЙДИ



Янги узилган бодрингнинг шарбати юз териси учун энг яхши тоzаловни воситадир. Юздаги ёёларни, чанг ва кирларни тоzалашда жуда куляй. Хатто юздаги ёёлни тешникларни торайтириш ҳусусиятига эга. Ундан фойдаланиш усули эса оддийина. Янги бодрингни олиб ҳалқача шаклида юлка қилиб кесиб чиқасиз ва бетингизга ёшиштириб кўясиз-да устидан сочни ёпиб кўйиб, (тезда куриб қолмаслиги учун) 20 дақика давомида ўтирасиз, сўнгра олиб ташлайсиз.

ПЕТРУШКА ХИДНИ ЙЎКОТАДИ

Петрушканинг таркибида С витамины ва минерал сувлар сероб. Ҳар куни овқатдан сўнг петрушканинг бир шоҳ часовини оғизнингизга олиб чайнаш билан оғизда пайдо бўладиган ноҳуш хиддинг олдини оласиз, ҳамда бир йўла унинг таркибидағи витаминлардан ҳам баҳраманд бўласиз. Айниқса, милклар шамоллаганда петрушкани чайнаш жуда фойдалидир.



АНАНАС — СЕПКИЛЛАРНИ РАНГСИЗЛАНТИРАДИ

Баъзида сепкилларни бутунлай йўқотиб юборишинг иложи бўлмайди. Лекин озми-кўпми уларни рангсизлантариш ва улардан кутулиш мумкин. Ана шундай рангсизлантаришда ананас ёрдам беради. Ҳафтасига ўен бўлмаганда иккى марта ананасадан фойдалансангиз бўлади. Бунинг учун 1 ош кошик сикиб олинган ананас сувига 1 ош кошик қатиқ, 1 ош кошик кулупн, 1 ош кошик банан ва 1 чой кошик асал солиб яхшилаб араплаштирасиз. Тайёр маҳсулотни сепкиллар бор жойга суртасиз. 20 дақиқадан сўнг илик сув билан ювиб ташлайсиз. Ананасли ниқобни қаймоқ қўшиб ҳам тайёрлашингиз мумкин. Бунинг учун ананаснинг юмшок қисми олинниб, унга қаймоқ кўшиб яхшилаб араплаштирилади ва терига суртилади.

ХУШРУЙЛИК СИДДАР



ОЛМАНИНГ ХОСИЯТИ



Олма витамин ва фойдали моддадарга ниҳоятда бойдир. Унинг таркибида айниқса темир мoddаси кўп. Уни канчалик кўп истемол кўлсан-

гиз, шунчалик юз терининг яхшиланаб боради. Олма

никига бўлиб мағзидан юз терисини уқалашда фойдалиниш мумкин. Олма бўлға билан юз, бўйин тери-

ларни яхшилаб уқалаш билан унинг таркибидаги мод-

даларнинг юз терисига таъсирни ҳам кучади. Юз тери-

сининг юмшоклиги, нозиклиги ортади.

ЛИМОН — ТЕРИНИ ЮМШАТАДИ



Лимоннинг таркибида С витамины кўп бўлганлиги сабаби шамоллаш хасталигига кенг кўлланилишини хамма билади. Лекин лимон шарбати ёрдамида тишдаги, тирноклардаги доғларни кетказиши ёки оўблар терисининг бавзи жойларидаги тери калинлашиб доғдек кўринган жойларини асл ҳолига келтириши мумкин. Бунинг учун лимоннинг магзи тирноклар, тери устига яхшилаб суртилиб, устидан юмшатувчи крем ҳам кўйилади. Бу муолажани бир неча марта тақрорланса натижаси кўнгилдагидек бўлади.

ҚАЙМОҚ ЧАРЧОҚНИ ОЛАДИ



Бу маҳсулот юз терисини яхшилайди. Янги қаймоқ юзга кўркамлик баҳш этади, танадаги чарчоқни олади. Ярим стакан суюкроқ қаймоқи 1 чой кошик ли- мони сувни кўшиб араплаштирилади, сўнгра пахта билан яхшилаб бетга суртилади. Кўзга суртаслик керак. Лимон сувни кўзни ачиштириши мумкин. Кўзга суртиш учун факт қаймоқнинг ўзидан фойдаланыш мумкин. 20-30 дақиқадан сўнг ўзиңгизни илик сув билан чайб ташлайсиз.

АПЕЛЬСИН — ЯРАЛАРНИ ТЕЗ ТУЗАТАДИ

Апельсин пўстлоғи таркибида инсон танаси клеткаларни янгилашга таъсир қўлувчи, асабларни тинчлантирувчи ва яралар битишини тезлаштирувчи ҳусусиятга эга моддалар бор. Булардан ташкари унинг шарбатидан юз ва тана терисини яхшилашда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун иккича дона апельсин ва озрок мева сиркаси олинади. Апельсинлар пўстлоғи арчилиб, шиша стаканга солинади. Устидан кўмилиб тургуч мева сиркаси кўйилиб, илик жойда иккича сакланади. Сўнг шарбати докадан ўтказиб олинади. Фойдаланишдан олдин албатта қайнатиб совутилган сув кўшиб кейин юз терисига суртилади. Сув кўшмасдан фойдаланиш тавсия этилмайди.

ҚАТИКЛИ НИҚОБ

Қатик нафақат юз терисини юмшатади, балки уни тоzалаш ва оқартириш ҳусусиятига эга. Қатикдан никоб тайёрлаш учун 3 ош кошик ёғсизроқ қатик олинади ва унга 1 ош кошик лимон сувни ва қатикнинг зардоби (сувни) солинади. Сўнгра 1 чой кошик ўсимлик мойи солиб араплаштирилади. Тайёр никоб юзга суртилади ва устидан сувда намланган сочик билан бекитилиб, 30 дақика давомида ўтирилади. Сўнг илик сув билан чайб ташланади.

"Табиб — табиб эмас, бошидан ўтказган табиб", - деган гап бор. Бу гап "Табобатнома"

саҳифасини сиз - азиз муҳислардан келган маслаҳатлардан фойдаланиб тайёрладик. Бу савобли ишга албатта Сиз ҳам маслаҳатларингиз билан ўз хиссангизни кўшасиз, деган умиддамиш.

КОН БОСИМИ БАЛАНД-ПАСТ БЎЛАВЕРСА...



Мен кўп йиллар кон босими гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб кетишидан кийналдим ва ўзим учун кўйидаги даво чорасини топдим.

Бу малҳам кўйидагича тайёрланади: Ўртача катталиқидағи 2 та лимон ва 2 та апельсин бўлакларга бўлиниди, ургулари олиб ташланиб, гўшт майдалагичдан ўтказилди. Бу арапашмага 2 ош кошик асал кўшилади ва шиша идишга солиниб хона хароратиди 1 сутка сакланади. Дори тайёр! Уни 2-3 чой қошиқдан овқатдан олдин чой билан ичилади. Кон босими нормага тушшицидан ташкари, кон томирлар йўли тозаланади. Уни ҳамиша ичib туриш одатта айланса фойдалдан холи бўлмайди.

Д.ВОСИКОВА

Самарқанд

КОН БОСИМИГА ЯНА БИР ДАВО

Ўзимдаги кон босими учун кўйидагича даво ни кашф этдим. 40 дона чиннингулни идишга солиб, устидан 4 стакан суя кубиб паст оловда, суюклик ярим литр ҳолга келгунча кайнатман. Тайёр суюклини бутилкага кўйиб кўяман. Дори узоқ пайт бузилмай сакланади. Уни кунига уч маҳал 1 ош қошигига овқат олдидан ярим йил давомида ичиш лозим. Ана шунда кон босими нормага келади

Т.АБДУҒАНИЕВ

Хоразм

ПИЁЗ ШАМОЛЛАШГА ДАВО

Мен шамолласам синтетик дорилардан кўра, синалган усулимдан фойдаланиб даволанаман. Бурнимдан сув оқиб, шамоллаганини сезишим билан, дарҳол пізени гўшт майдалагичдан ўтказаман ва докага солиб бурним атрофига айлантириб кўяман. 15-20 минут шу тахтил ётаман. Фақат кўзни қаттиқ юмиб олиш керак. Чунки ачиши мумкин. Бу усулни уч тўрт марта кўлланса, шамоллаш тугайди.

М.ҲАҚБЕРДИЕВА

Когон

СОЧ УЧУН ШЎРВА

Мен сизларга соч илдизини мустаҳкамовий ўз усулни ҳақида ёзмоқиман. Гап шундаки, фарзанд кўрганимдан кейин мен бирданига сочим тўкила бошлаганини сездим. Шундан сўнг сочимни даволаш йўлларини излай бошладим.

Мен бу борада фақат тажрибада синалган ҳалқона даволаш усулларини кўлашга карор қилдим. Бир неча муддат пиёзин гўшт майдалагичдан ўтказиб бошимга ўраб юрдим. Натижаси яхши бўлди. Лекин бу ишнинг озроқ салбий жиҳати ҳам бор экан. Бу муолажадан сўнг минг ювилса ҳам узоқ пайт бошдан пиёз хиди кетмайди. Бир кунин мол ёёғ ва шўрва ҳам сочга даво эканлигидан хабар топдим.

Мол гўсти ва оёғини шўр сувда гўшт суюқдан ахраладиган ҳолга келгунча қайнитиш керак. Шўрва докадан ўтказилади. Собугач, ёғи сувидан ахралиб чиқиши учун музлаттичга кўйилади. Кейин ана шу ахралиб чиқдан ёға ва кулоқлашган шўрвани бошга яхшилаб ишқалаб суртиб рўмом билан 40 минутга ўраб кўйилади. Соч соғломлашади, япириб жиландиган бўлади.

Г.РАХМОНОВА

ЁШ ВА ГЎЗАЛ БЎЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Ёшлик таровати ва гўзаллигини қандай қилиб узоқ пайт саклаб көлиш ҳақида иккита маслаҳатим бор.

1-УСУЛ. 1 чой қошик лимон суви, шунча микрордаги асал ва 1 ош кошикда ўсимлик мойи (кунгабоқар мойи бўлса айни мудда) арапаштирилди ва эрталабки нахорга - оч коринга ичилди. Бу малҳамни уч ҳафта узмасдан ичиш лозим. Бу амалнинг натижасини тезда хис етасиз ва сира афсулланмайсиз.

2-УСУЛ. 250 саримсокиёз гўшт майдалагичдан ўтказилди ва 250 мл. кизидирilmagan кунгабоқар мойи билан арапаштирилди, сўнг уч кунга салкин, коронги жойда сакланади. Уч кундан кейин арапашмага 250 гр. ун ҳолатига кептирилб янчилган арапаштирилди ва яна уч кун коронги, салкин жойда тайёр бўлади. Шу таҳлил ёшлик ва гўзаллик малҳами тайёр бўлади. Уни овқатдан ярим соат олдин инасиз.

Г.САЙДОВА

Карши шахри



ИШГА ҚАРШИ КАРАМ

Уйда курилиши килаётib, эримнинг оёғига таҳта тушиб кетиб, шишиб кетди. Оғрикин йўқотиш, шишини қайтариш учун оёққа кунига бир-икки бор карам баргларини боғлаб кўйдик. Карам барги чайилади, ичи томонидан суви чиши учун сал эзилди ва оғриётган жойга боғланади. Шу-шу эрим бу ноҳуш ҳолатдан кутулди.

Ч.КИЁМОВА

Андижон

ГЕМОРОЙГА ДАВО

Ҷавосил - энг ноҳуҳ хасталиклардан бири бўлса керак. Бу касалликдан жуда ҳам кийналиш кетдим. Дўхтирим шундай давони буорди: Сабзининг пўюғини майдо тўғраб (1/4 стаканинг эзгалисин) устидан қайнок сув кўяиз, мазаси тотли бўлиши учун шакар ёки асал кўшилади ва эрталаблар чой ўрнига ичилди. Бу ичмилкни куни билан 5 стакангача ичиш мумкин. Ана шу малҳам тифайли уч ой ичда ба-весил нима эканлигини ҳам унундидим.

Р.ЭРГАШЕВ

Кўкон



БОЛАЛАРНИ УЙ ШАРОИТИДА ДАВОЛАШ

Болам хасталашиб қолса, онам ўз вақтида бизни қандай даволаган бўлса, шуларни кўллайман. Бола харорати 38° га чиқа бошлаган бўлса, сочиқни сирка билан арапаштирилган сувда хўллайман-да, бир оз гижимлаб сўнгра боланинг бутун танасини оёғидан бошлаб артиб чиқаман. Шундан сўнг болани кутиратмай турбиг ўрнига ётқизаман. Бу усулни кунига бир неча марта тақоррлайман.

Г. САМАДОВА

Кўнгирот шахри

ЛОВИЛ ҚАНД МИҚДОРИНИ ПАСАЙТИРАДИ

65 ёшдаман. Қандли диабет касаллиги анчадан бўён мени безовта қиласди. Ҳозирча инсулиндан фойдаланганин йўқ. Қандни туширучи дорилардан ичиб турман. Аммо яқинда дардимга давонинг жуда оддий, аммо самарали усулини топдим. Балки бу усул кимнингдир мушкулини осон қилас. Уч донагина оқловияни оласиз ва тун бўйи ярим стакан қайнатилиб совутилган сувга солиб кўясиз. Эрталаб ловияни еб, сувини эса инасиз.

Ж.ТЎРАХЎЖАЕВ

Наманган

ЮРАК ХАСТАЛИГИГА ДАВО

"Оила ва жамият"ни сонба-сон ўқирканмиз, ома аъзоларимиз билан жуда кўп ҳам ҳаётӣ, ҳам тибий маслаҳатлар оламиз. Бунинг учун ижодий жамоага ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Мен ҳам юрак хасталигига фойдали бўлган ўз маслаҳатимни бермоксимиш. Бунинг учун 10 та лимон, 10 та саримсокиёз гўшт майдалагичдан ўтказилди, арапашмага 1 кг. асал кўшилади ва иккита ҳафта тиндириб кўйилади. Иккита ҳафтадан сўнг дори тайёр холга келади. Уни кунига 1 ош қошигидан иккита-уч маҳал ичилади. Агар юрак хасталиги билан бирга қон босими ошиши (гипертония) ҳам бўлса, бу малҳамга 100 г. дўлана (бояришник) гулларидан ҳам кўшилади.

В.КАРИМОВ

Тошкент

ГЎЗАЛЛИК УЧИН ВИНО

Ишхонада кўпчилигимиз хотин-қизларимиз. Аёллар нима ҳақда кўп гаплашади? Саломатлик ва гўзаллик ҳақида-да... Бир касбдошимиз сўлиётган ва қарий бошлаган терини қандай даволаш ҳақида гапириб қолди. У шундай усулини кўлларкан - ярим литр оқ вино олинини унга ярим стакан майдаланган қора андиз (девясил) илдизи кўшиларкан ва 15 минут паст оловда кайнатиларкан. Бу суюклик билан кунига иккита маҳал юз артиларкан. Биз касбдошлар ҳаммамиз ана шу давони кўллаб ёшариб кетдик.

М.НАЗАРОВА

Тошкент



ОЗДИРУВЧИ ШАРБАТ

Кийнаги шарбатни тайёрлаб ичиб мен озишига муваффақ бўлдим. Бу шарбат қонни ҳам тозаларкан. У кийнаги тайёрланади. Эрталаб нахорда - оч коринга 1 стакан қайнок сувга 2 чой қошиқ олма сиркаси, 2 чой қошик асал кўшиб ичинг. Сирка озиқ моддаларга бой, асалда эса минераллар ва витаминлар мавжуд. Аммо шуну унтаңмакни, сирка албатт олмадан тайёрланган бўлсин.

Б.МИРБОЕВА

Тошкент



БРОНХИТНИ ДАВОЛАШ

Шу йил қишида мен бронхитга (нафас йўлларининг яллигланиши) чалиниб қолдим. Кўшини кампир менга шундай дори тайёрлаб берди. Бир ош қошиқ шувок (полин- рус тилида) эритмасини ярим бутилка ароқка арапаштириб уч кун сакланади. Бу дори бир ош қошиқ шувок (полин- рус тилида) эритмасини ярим бутилка ароқка арапаштириб уч кун сакланади. Бу дори бир ош қошиқ шувок (полин- рус тилида) эритмасини ярим бутилка ароқка арапаштириб уч кун сакланади. Бу дори бир ош қошиқ шувок (полин- рус тилида) эритмасини ярим бутилка ароқка арапаштириб уч кун сакланади.

Э. НОРМУРОДОВА

Бойсун

Сахифани –
Д. БЕКЖОНОВА тайёрлари



Абдурасул ХАКИМОВ — Тошкент туманиндағы Ҳасанбай кишилөгидан. Ўзининг сатирик суратли лавҳалари билан мұхлислар қалғига табассум олиб киришдан чарчамайды. - Мен қаҳрамонларимни күпроқ кундалик ҳәётимиздан излайман, - деди рассом.



КЕЛИН: - Деворни баландроқ ураверинг, ўшаларнинг башараларини күрмай.



Боғча опа, кўтаришиб юборайликими?



Ўрток Учарбоев, аввали хотинингиздан алимент қозо келипти, кўл кўйиб олинг.



Исмингизни айтиб юборинг яхши қиз...

КЎЙ (21.03 — 20.04). - Душанба кунидан бошлаб қайси ишга кўл урсангиз муваффакиятта эриша бошлайсиз. Чорсанба куни дўстларингизнинг маслаҳатига эътиборли бўлинг.

СИГИР (21.04 — 21.05). - Асосий вактингиз ишинингга беғишланади. Сеансанба куни ҳар қандай учрашувлар учун куладир. Якшанба рўзгор ишлари билан шуғулланинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Касбингизга оид ишларни бажаришга шошилмаган. Ҳафтанинг энг омадли куни шанба. Шу ҳафта мўлжаллалаган ишларингизни кейинга қолдирманг.

ҚИСКИЧБАК (22.06 — 22.07). - Атрофдаги гап-сўзларга парво қилмаган. Асосий вактингизни севгилингизга багишлишган. Пайшанба куни сафарга кетишингиз эҳтимоли бор.

МУНАЖИМЛАР

АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Ўзингиз ҳақингизда ўйланг. Эскирган либосларингиздан кечинг. Янги кийимлар ҳарид қилинг. Душанба куни ишингизда хушхабар кутмокда.

БОШОК (24.08 — 23.09). - Ушбу ҳафта кўп нарсани ўйлаб ҳал қилишингизга тўғри келади. Жума куни дўстларингиздаги йўқлаб келишади.

ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Ҳафтанинг бошланышда ҳамкорларингиз билан келиша олмаслигиниз мумкин. Кизиқон бўлмаган. Чунки пайшанба кунига бориб ҳаммаси изига тушади.

ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Сеансанба куни қилинган таклифи рад этманг. Бу сизга мўмай даромад келтиради. Якшанба оиласигиз даврасида бўлинг.



ОЛЛОЁР

ДЕРАЗАНИНГ ТАГИДА

Очай десам билдиримай, деразангиз гирилар. Ичкаридан келарди, қизиқ пичир-пичирлар... Кўйлакларини ташлаб, қўйганича таҳмонга. Дугоналар ётгани, келган экан меҳмонга. Уч дугона бир бўлиб, мақтардилар сўйганин. Бепарво деб уни хўп, Айтардилар куйганин. Киройи эмиш жуда,



Чиройли эмиш жуда. Суратин кучиб, ҳатто, ётаришилар уйкуда. Рости: унинг кимлиги, қизикдайли ўзимга! Мўраласам, ўз расмим! Ишонмадим кўзимга!!! Шунда асл сўйганим, қулиб сўйзидан. Ёмонлашга тушди-ку, учкун сачраб кўзидан: ўлсин, ўша олифта! Йигит эмас, латта-ку! Битта қузи филайрек, бошқасидан катта-ку! Юрса айиқа ўхшаб, лапанглайди маймоқдай! ... ёмонлаши хам, аммо, ёқар эди қаймоқдай! Уччала қиз бир тараф, ёрим битта тарафдир. Менга юйган айблари, гўё шону-шарафдир! Балли, ёрим, совусранг, Сомонинг бўлай ўзим! Ҳаммага яхши, аммо, ёмонинг бўлай ўзим!

ЭЙ, КАРВОНИМ

Эй, карвоним, карвоним, охиста юр, охиста. Бўғзимдан борар жоним, хоҳ истама, хоҳ иста. Азал-абад тақдирнинг ўйлан экан якунли, Манзил томон уловинг хоҳ қистама, хоҳ қиста. Қадринг қадрга етмас, суняғисан сабринга, гўлочук бўларкан охир лаблари хандон писта. Хуснав давлат эгиздир, фаму ғусса келар кўш, Бенаф умр мезони аттандига афсусда. Дилингта тилини тилмоч, кил кўзни қалға кўзгу, ўтса ҳам-ки ёнингдан муноғиқлар минг тусда. Нодон бўлгин, Оллоёр, донолар сұхбатида, Зотлар кўпидир, қадрингни сомон килишига уста!



УНУТМАНГ

Жоним, ўтган кунларни осонгина унумтманг. Биздек бағри хунарни, жононгина унумтманг.

Уч тўрт кунлик ёр килиб, сўнгра бокмай хор килиб, Ҳолим килиб оламга достонгина унумтманг.

Киприклири киёқдай, асли парисиёқдай, димоқлари бўй етмас осмонгина унумтманг.

Йўлингизда мўлтираб, интизорман ўлтириб, Жабрингиз ҳам бизларга эҳсонгина, унумтманг.

Сиз ойим, сиз кунимиз, тотли буғдой унимиз, Мен-чи, сарсон кўнимиз сомонгина, унумтманг.

Оллоёрман, охи кўп, азалдан гуноҳи кўп, Туриш-турмушлари хўп нуқсонгина, унумтманг!

БАШОРАТИ

ҮКОТАР (23.11 — 21.12). - Магарурлигигиздан шу ҳафта азият чекасиз. Ҳафта ўртасида кўшиларингиз билан айтишиб қолишингиз мумкин. Сал оғирроқ бўлишина маслаҳат берамиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Душанбага мўлжалланган сафарингиз колдирилади. Бундан диккатингиз ошмасин. Болаларингиз билан дам олиши сизга кўпроқ фойда келтиради.

КОВФА (21.01 — 18.02). - Янги ишга ўтишингиз мумкин. Ҳафтанинг энг мумкин муроносиги эса ушбу имкониятни кўлдан бермасли.

БАЛИҚ (19.02 — 20.03). - Пайшанба куни турила келишмовчиликларга аралашманг. Яхшиси дам олиши ҳақида ўйланг. Шанба меҳмонларни кутиб олиш, улар билан ҳордиқ чиқариш учун ажойиб кунлардан бири.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамгармаси ва «Соғлом авлод учун» Ҳалқаро жамгармаси

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуктаси назаридан фарқ килиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэзмалар таҳлил килинмайди, ёзма жавоб килинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганинг албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САЙДОВА

Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46

Газета «Шарқ» нашриёт-матбая компаниси босмахонаси чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йи.
Босишига топшириш вакти - 20.00
Босишига топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терниди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Бўйротма Г - 576. Формати А-3, хажми 4 босма тобок, Адади - 19412
Саҳифаловчи - Акбар ШОДИЕВ.
Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - Н. Йўлдошева
Мусахих - С. САЙДОЛИМОВ.